

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

## 2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2024 йил 14 июнь, № 118 (8741) Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ТЎРТИНЧИ АНЪАНАВИЙ САМАРҚАНД ФОРУМИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли Форум иштирокчилари!

Хонимлар ва жаноблар!

Авваламбор, "Экологик таҳдидлар: ўзгараётган дунёда инсон ҳуқуқларининг истиқболи ва барқарор ечимларни излаш" мавзусидаги инсон ҳуқуқлари бўйича тўртинчи анъанавий Самарқанд форумининг барча иштирокчилари ва меҳмонларини самимий қутлайман.

Юртимизда илк бор 2018 йилда ўтказилган Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми жаҳон амалиётига ўзига хос "Самарқанд руҳи"ни олиб кирди, десак, ҳеч муболаға бўлмайди. Шу тариқа инсон ҳуқуқлари соҳасидаги энг долзарб муаммоларга бағишланган Самарқанд форумларини ўтказиш яхши анъана тусини олди.

Анжуманда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг ихтисослашган тузилмалари, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европа Иттифоқи, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш, Туркий давлатлар Парламент ассамблеяси, шунингдек, таниқли хорижий давлат ва жамоат арбоблари, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги етакчи экспертлар иштирок этаётгани айниқса аҳамиятлидир.

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!

Яхши маълумки, глобал иқлим ўзгариши оқибатида сайёрамизда кескин экологик вазият юзага келди. Ичимлик суви тақчиллиги, атроф-муҳит ифлосланиши, тупроқ емирилиши, кучли чанг ва қум бўронлари, биохилмахилликнинг йўқолиши, қишлоқ хўжалиги ҳосилдорлигининг пасайиши каби муаммолар тобора авж олмоқда.

Барча қитъаларда ва мамлакатларда бу жараёнларнинг салбий таъсири янада кучайиб бормоқда. Айниқса, ҳаво ҳароратининг ошиши жаҳондаги ўртача кўрсаткичдан икки баробар кўп бўлган ва Орол фожиасини бошидан кечираётган Марказий Осиё минтақасида бунинг оқибатлари яққол сезилмоқда.

Экологик инқироз Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш йўлидаги энг асосий тўсиқ ва таҳдидга айланди, глобал миқёсда қашшоқлик билан боғлиқ муаммолар кўпаймоқда, инсоннинг соғлиқ, тоза сув, озиқ-овқат ва уй-жойга бўлган ҳуқуқларини таъминлаш хавф остида қолмоқда. Бундан, аввало, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам, хусусан, ногиронлиги бўлган шахслар, кексалар, аёллар ва болалар жиддий азият чекмоқда.

Албатта, иқлим ўзгариши оқибатида инсон ҳуқуқларига етказиладиган зарарни кескин камайтириш учун жаҳон мамлакатлари биргаликда самарали чоралар кўриши керак. Келажак авлодлар тақдири учун барчамиз улкан масъулиятни ўз зиммамизга оладиган вақт келди.

Париж битимида таъкидланганидек, иқлим ўзгаришига қарши чоралар кўрилаётганида, давлатлар инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиши, рағбатлантириши ва ҳимоя қилиши, асосий диққат-эътиборини мазкур соҳадаги мажбуриятларини бажаришга қаратишлари лозим.

Ҳурматли меҳмонлар!

Янги Ўзбекистонда иқлим ўзгариши муаммолари билан курашиш барқарор ривожланишни таъминлашнинг энг муҳим омилига айланди. Биз имкон қадар бундай жараёнларнинг олдини олиш ва уларнинг салбий таъсирини юмшатиш бўйича зарур чораларни кўрмоқдамиз.

Янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизда инсоннинг қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқи алоҳида бобда мустаҳкамланган. Давлатнинг атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича вазифаларни амалга ошириш мажбуриятлари белгилаб қўйилган.

Шунингдек, Оролбўйи минтақасининг экологик тизимини муҳофаза қилиш ва тиклаш, минтақани ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш, мамлакатимизда "яшил" иқтисодиётга ва углерод нейтраллигига ўтиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, 2030 йилга бориб мамлакатимиз энергетика балансида қайта тикланувчи энергия қувватини 40 фоизга етказишни режалаштирганмиз. "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида Ўзбекистонда 1 миллиард туп кўчат экилмоқда. Орол денгизининг қуриган тубида 2 миллион гектар майдонда ўрмонзорлар барпо этдик.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, бизнинг саъй-ҳаракатларимизни жаҳон ҳамжамияти кенг қўллаб-қувватламоқда. Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонидан "Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудудига айлантириш", "Марказий Осиё экологик муаммолар қаршисида: барқарор ривожланиш ва фаровонлик йўлида минтақавий бирдамликни мустаҳкамлаш" каби муҳим резолюциялар бир овоздан қабул қилинди.

Ҳеч шубҳасиз, инсоният тўқнаш келаётган иқлим билан боғлиқ кескин муаммолар оқибатларини юмшатиш инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолади.

Шу боис Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг "Марказий Осиёда иқлим ўзгаришининг салбий оқибатларига қарши курашиш шароитида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги резолюциясини ишлаб чиқиш ва илгари суриш бўйича ташаббусимизни қўллаб-қувватлайсизлар, деб ишонаман.

Сиз, азизлар Форум давомида глобал миқёсда экологик вазият барқарорлигини сақлаш, инсон ҳуқуқ ва манфаатларига хизмат қиладиган янги амалий таклифларни ишлаб чиқасизлар, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, Форум ишига улкан муваффақият тилаб қоламан.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

# КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёль рафиқаси билан бирга 13 июнь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.**

Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Бош вазири Абдулла Арипов ва бошқа расмийлар кутиб олди.

Олий мартабали меҳмон шарафига икки мамлакат давлат байроқлари кўтарилди ва фахрий қоровул саф тортди.

Шундан сўнг Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёль «Янги Ўзбекистон» боғига ташриф буюриб, Мустақиллик монументи пойига гул қўйди.

Мажмуа билан қисқача танишув асносида Жанубий Корея делегацияси вакилларига бу ерда акс эттирилган сиймолар ва тарихий воқеалар мазмуни ҳақида батафсил маълумот берилди.

Уч минг йилдан зиёд давр — она Ватанимиз ҳудудидаги миллий давлатчилик тарихи илдизлари шу қадар теран. Монументга эътибор қаратган киши мана шу залварли ўтмишнинг бадиий ифодасига гувоҳ бўлади.

Олий мартабали меҳмонлар, расмий хорижий делегацияларнинг мамлакатимизга ташрифи доирасида бу ердаги монументга гул қўйиш анъанага айланган.

Делегация аъзолари мажмуада акс эттирилган алломалар, буюк саркарда ва жаҳонгирлар, жадид боболаримизнинг сиймоларига алоҳида эътибор қаратди. Тинчлик, эркинлик, эзгулик тимсоли бўлган Ҳумо қуши тасвири мажмуанинг бамисоли гултожидай кўриниши эътироф этилди.

Сўнг Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёль Тошкент шаҳридаги «U-ENTER» инновацион тадбиркорлик марказида бўлди.

Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги ва Корея ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш агентлигининг қўллаб-қувватлови билан ташкил этилган «U-ENTER» инновацион тадбиркорлик маркази Жанубий Кореянинг илғор тажрибаси асосида ўзбекистонлик ёш тадбиркорларга ўз бизнес лойиҳаларини амалга оширишлари учун ҳар томонлама кўмак беришга мўлжалланган.

Мазкур марказ стартапларни қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш ва имкониятларни кучайтириш орқали Ўзбекистон стартап экотизимини жонлантириш, тажрибалар билан ўртоқлашиш, Корея стартапларининг Марказий Осиёга кириши учун асос бўлиб хизмат қилади.

Дунё мураккаб глобал инқирозга юз тутаётган даврда ўзаро иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш ва бу йўлда самарали лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мамлакатлар тараққиёти учун муҳим саналади.

Президент Юн Сок Ёль марказда Ўзбекистон ёшлари билан самимий суҳбатлашди. Марказнинг фахрий меҳмонлар китобига ўзининг самимий дил сўзларини ёзиб қолдирди.

Корея Республикаси Президенти мамлакатимизда истиқомат қилаётган бир гуруҳ корейс диаспораси вакиллари билан ҳам учрашди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари 14 июнь куни бўлиб ўтади.

Олий даражадаги музокараларда Ўзбекистон — Корея дўстлик ва алоҳида стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилади.

Саммит якунлари бўйича бир қатор ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар имзоланиши кўзда тутилган.

Шунингдек, икки мамлакат Президентларининг қўшма бизнес-форумда иштирок этиши кутилмоқда.

Президент Юн Сок Ёль мамлакатимизнинг бой маданий-тарихий мероси билан танишиш мақсадида Самарқанд шаҳрига ташриф буюради.

**ЎзА.**

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА САМАРҚАНД ФОРУМИ

## дунё миқёсида тажриба алмашишга замин яратди

*Инсон ҳуқуқлари бўйича IV Самарқанд форуми бўлиб ўтмоқда. Бу галги анъанавий халқаро анжуман "Экологик муаммолар: ўзгарувчан дунёда инсон ҳуқуқлари келажаги, барқарор ечимлар топиш" мавзуига бағишланди.*

*Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва "Тараққиёт стратегияси" маркази томонидан ҳар икки йилда бир марта ўтказиб келинаётган мазкур халқаро анжуман БМТ ва унинг ихтисослаштирилган тузилмалари, ЕХҲТ, Европа Иттифоқи, ИҲТ, ШҲТ, МДҲ, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш, Фридрих Эберт ва Конрад Аденауэр номидаги жамғармаларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари ҳамда Туркий мамлакатлар Парламент ассамблеясининг юқори даражали вакиллари билан ҳамкорликда ташкил этилди.*






Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Инсон ҳуқуқлари бўйича IV Самарқанд форуми иштирокчиларига мурожаат йўллади. Мурожаатни Президентнинг матбуот котиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

Форумнинг очилиш маросимида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов иқлим ва инсон ҳуқуқлари муаммолари муҳокама қилинадиган ушбу халқаро анжуман Ўзбекистон Президентининг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Иқлим ўзгариши бўйича конференциясидаги (COP28) нутқида илгари сурилганини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Фолькер Тюрк ҳамда ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори Маттео Мекаччининг видеомурожаатлари намойиш этилди.

Спикерлар Самарқанд форуми ишига муваффақият тилаб, ҳозирги вақтда дунёда кескин экологик вазият кузатилаётганига эътибор қаратдилар.

➡ 2

Элчи Виталий ФЕН:

# ТОШКЕНТДА ЎТАДИГАН ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ УЧРАШУВЛАР ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚЛАРИ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА АЛОҚАЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШГА КУЧЛИ ТУРТКИ БЕРАДИ

*Ўзбекистоннинг Корея Республикасидаги элчиси Виталий Фен Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёлнинг мамлакатимизга 13 июнь куни бошланган давлат ташрифи арафасида "Дунё" ахборот агентлигига интервью берди ва мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолати ҳамда истиқболлари ҳақидаги фикрларини баён этди.*



## Интервью

— Сўнгги йилларда Ўзбекистон — Корея Республикаси алоқалари икки давлат турли вазирлик ва идоралари ўртасидаги доимий ҳамда сермаҳсул мулоқот натижасида фаоллашиб бормоқда.

Ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён давлат раҳбарлари даражасида 18 марта учрашув ва музокаралар ўтказилди. Эътиборлиси, 2019 йил апрель ойида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар мутлақо янги — алоҳида стратегик шериклик даражасига кўтарилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёлнинг илк учрашуви 2023 йил сентябрь ойида Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеяси сессияси доирасида ўтказилган эди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги алоҳида стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорликни кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди. Азалдан яқин дўстлик ришталарига, халқларимизнинг менталитети, анъана ва қадриятлари ўхшашлигига асосланган икки томонлама алоқалар изчил ривожланиб бораётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

➡ 2

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

*Женевада Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Халқаро меҳнат ташкилоти бош директори ёрдамчиси Миа Сеппо билан учрашув ўтказди.*

## Мулоқот

Унда халқаро меҳнат стандартларини жорий этиш орқали ижтимоий ҳимоя тизимини янада такомиллаштириш масалалари кўриб чиқилди.

Миа Сеппо "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида аҳоли бандлигини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, норасмий бандликни бартараф этиш, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш каби муҳим чора-тадбирлар акс этганлигини олқишлади.

Шунингдек, мулоқотда Ўзбекистон БМТ Бош котиби томонидан илгари сурилган "Иш ўринларини яратиш ва ижтимоий ҳимоя глобал акселератори" ташаббусини жорий этаётган етакчи давлатлардан бири эканлиги эътиборга олиниб, бу борада тегишли давлат ташкилотлари билан аниқ лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олинди.

**«Халқ сўзи».**

**Қонунчилик палатаси қўмиталарида**

Ўзбекистон — ЖСТ:

# УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар ҳамда Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмиталари томонидан "Ўзбекистон ва Жаҳон савдо ташкилоти" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.*

Қонунчилик палатаси депутатлари, Парламент тадқиқотлари институти, вазирлик ва идоралар вакиллари, экспертлар ҳамда журналистлар иштирок этган тадбирда таъкидланганидек, миллий иқтисодиётнинг мавжуд салоҳиятини рўёбга чиқариш, унинг глобал ишлаб чиқариш ва қўшилган қиймат занжирига интеграциясини янада чуқурлаштириш, эркин бозор тамойилларини амалда татбиқ этишни кенгайтириш, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га аъзолигига эришишни жадаллаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

➡ 3

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА САМАРҚАНД ФОРУМИ

## дунё миқёсида тажриба алмашишга замин яратди

←1 Сайёрамиз миқёсида учта инқироз, яъни иқлим ўзгариши, биохилмахиллик йўқолиши ва атроф-муҳит ифлосланиши кучаймоқда. Бу хавф-хатарлар, ҳатто дунё геосиёсий архитектурасига ҳам таъсир кўрсатмоқда.

Барқарор ривожланиш йўлида энг асосий таҳдидга айланган иқлим ўзгаришининг салбий оқибатлари Орол фожиаси туфайли Марказий Осиёда, айниқса, жиддий сезилмоқда. Шундай мураккаб шароитда Орол денгизи фожиасига қарши курашни давом эттираётган Марказий Осиё иқлим ўзгаришлари олдида энг заиф минтақалардан бирига айланмоқда.

Глобал муаммо бўлган Орол фожиаси оқибатларини бартараф этиш йўлида Ўзбекистон ўз имкониятлари даражасида ҳаракат қилаётган бўлишига қарамай, буни давом эттириш учун халқаро ҳамжамиятнинг қўллаб-қувватлаши жуда муҳим. Шу маънода, Ўзбекистон Президенти 2023 йил 20 сентябрда БМТ Бош Ассамблеясининг 78-сессиясида сўзлаган нутқида "Марказий Осиё глобал иқлим таҳдидлари қаршисида: барқарор ривожланиш ва фаровонлик йўлида минтақавий бирдамликни мустаҳкамлаш" резолюциясини қабул қилиш ташаббусини илгари сурди.

Ушбу ташаббус глобал иқлим ўзгаришларининг Марказий Осиё билан боғлиқ таҳдидларнинг олдини олиш учун минтақавий ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади ҳамда барча ҳамкорларнинг манфаатларига бирдек мос келади. Бу таклифнинг негизида мавжуд экологик муаммоларга фақат минтақавий даражада ёндашиш эмас, балки айни таҳдидларнинг ўзига хос жиҳатларига халқаро ҳамжамият эътиборини қаратиш мақсади ҳам мужассамдир.

Анжуман иштирокчилари ушбу соҳада зарур билимлар олиш билан бир қаторда, халқаро ҳамжамият доирасида ўзаро тажриба алмашиш ва энг мақбул амалиётлар билан танишиш имконига ҳам эга бўлди.

Форумда асосий эътибор иқлим ўзгаришларининг инсон ҳуқуқларига кўрсатадиган салбий таъсирини юмшатишга оид аниқ тавсия ва ечимлар тайёрлашга қаратилди.

Бу борадаги мунозаралар Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш ва ўзгараётган иқлим шароитида ҳар бир инсоннинг ҳуқуқларини ҳимоялаш учун кўмаклашадиган самарадор стратегия ва ёндашувларни ишлаб чиқишда турли соҳа мутахассисларига қулай майдон бўлиб хизмат қилмоқда.

Форум доирасида офлайн ва онлайн тарзда учта ялпи мажлис ўтказилди. Биринчи ялпи мажлисда сўзга чиққан экспертларнинг фикрича, инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар ўз дастурларини экология муаммоларига ечим топишга оид режалар билан уйғунлаштириши мақсадга мувофиқдир. Чунки бундай амалий ёндашув, ўз навбатида, экология адолатсизлигини бартараф этиш, шунингдек, инсонларнинг қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган мақбул сиёсатни тарғиб этишда ушбу тузилмалар ҳал қилувчи мавқега эгалигини амалда намоён этишга хизмат қилади.

Иккинчи ялпи мажлисда глобал иқлим ўзгаришининг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларга таъсири имкон қадар чуқурроқ таҳлиллар негизида кўриб чиқилди. Бунда аҳоли заиф қатламларининг ҳуқуқларини таъминлаш бўйича аниқ стратегияларни тақдим этишда давлат органлари, халқаро ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтларининг тутган ўрнига алоҳида эътибор қаратилди.



Учинчи ялпи мажлисда ўзгарувчан иқлим шароитида инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишга қаратилган мавжуд халқаро ва минтақавий ҳужжатлар батафсил кўриб чиқилди. Муҳокама давомида халқаро ва минтақавий ҳужжатларда мустаҳкамланган, белгиланган стандартларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Анжуманнинг асосий мақсади сайёрамизда барқарор ва адолатли яшаш шароитларини таъминлашга қаратилган ҳамкорликдаги ёндашувларни ҳамда глобал стратегияларни ишлаб чиқишдир. Муҳокамаларда нафақат долзарб муаммоларга, балки иқлим ўзгаришига мослашиш йўналишидаги истиқболли ечимларга, шунингдек, салбий ижтимоий ва экологик оқибатларнинг олдини олишга ҳам эътибор қаратилди.

Якунда иқлим бўйича глобал ташаббуслар доирасида мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган қатор тавсиялар ишлаб чиқилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича IV Самарқанд форуми доирасида "Инсон ҳуқуқлари ҳимояси учун" кўкрак нишони совриндорларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Форумда 200 нафар мутахассис қатнашди. Иштирокчилар, асосан, миллий ва хорижий экспертлар, иқлим бўйича мутахассислар, давлат ташкилотларининг иқлим ўзгариши муаммолари билан шуғулланадиган масъуллари, фуқаролик жамияти институти, оммавий ахборот воситалари, илмий-тадқиқот марказлари, компаниялар, ишбилармон доиралар ва халқаро ташкилотлар вакилларидан иборат.

Самарқанд форуми якунлари бўйича бир қатор муҳим натижалар қайд этилди. Хусусан, форум иштирокчилари ўртасида алоқа тармоғини ўрнатиш ва узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантириш, инсон экологик ҳуқуқлари соҳасида доимий ахборот алмашиш ва ҳамкорлик қилиш учун платформа яратишга келишиб олинди.

Форум тавсияларини бажариш учун унинг иштирокчилари, шу жумладан, ҳукуматлар, ташкилотлар ва фуқаролик жамиятига аниқ мажбуриятлар белгилаб берилди. Форумдан кейинги даврда иқлим ўзгариши билан боғлиқ муаммоларга самарали жавоб бериш учун тавсияларни амалда қўллашга қаратилган стратегия ва ҳаракат режалари тасдиқланди.

Форумнинг якуний ҳужжати — "Иқлим ўзгаришлари шароитида инсон ҳуқуқларини глобал ҳимоя қилиш: барқарор келажак йўлидаги мажбуриятлар ва саъй-ҳаракатлар тўғрисидаги Самарқанд декларацияси" лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур йирик анжуман бугун ўз ишини якунлайди.

## Сўз — анжуман иштирокчиларига

**Акмал САИДОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори:**

— Инсон ҳуқуқлари бўйича тўртинчи анъанавий Самарқанд форумида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан БМТ Бош Ассамблеясининг қатор сессияларида ҳамда БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича конференциясида илгари сурган ташаббуслари асосида глобал иқлим таҳдидлари қаршисида ҳамжиҳатликда ҳаракат қилиш ҳамда унинг инсон ҳуқуқларига салбий таъсирини юмшатиш муаммолари муҳокама этилмоқда.

Шу ўринда, Ўзбекистон Президентининг тадбир иштирокчиларига йўллаган мурожаатида таъкидлаганидек, *"иқлим ўзгариши одамларнинг, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда нафақат жисмоний, балки ижтимоий фаровонлигига ҳам таҳдид солмоқда"*.

Давлат раҳбарининг иқлим ўзгаришининг муҳим масалалари ва унинг инсон ҳуқуқларига таъсири бўйича илгари сурган ташаббуслари учун форум иштирокчилари номидан миннатдорлик билдираман ҳамда бу ташаббусларни халқаро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватлашга чақириб қоламиз.

Тўртинчи Самарқанд форумининг ўзига хос хусусиятлари қуйидагиларда ифодаланади:

*биринчидан*, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадлари кун тартибини рўёбга чиқариш бўйича саъй-ҳаракатлар бутун жаҳонда давом этмоқда;

*иккинчидан*, Самарқанд форумида БМТ ва унинг тузилмалари ҳамда бошқа халқаро ташкилотлардан нуфузли вакиллар иштирок этмоқда;

*учинчидан*, форумда иқлим ўзгаришининг инсон ҳуқуқларига салбий таъсир кўрсатишини юмшатиш бўйича турли тамойиллар ва ёндашувлар, шунингдек, бу соҳада турли мамлакатлардаги илғор тажрибалар ва амалиётлар билан ўзаро алмашиниш ҳамда аниқ тавсия ва ечимлар ишлаб чиқишга эътибор қаратиш ҳамда глобал ҳамкорлик муҳимлиги эътироф этилади.

Қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқ табиий захиралар қисқараётган, экология ва табиат билан боғлиқ муаммолар инсоният келажагига таҳдид солаётган ҳозирги даврда янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Шунинг учун экологик таҳдидлар шароитида инсон ҳуқуқларининг тўртинчи авлоди таркибида экологик ҳуқуқлар вужудга келганлиги тўғрисида гапиришга асос бўлмоқда.

Экологик ҳуқуқларни таъминлаш инсоннинг:

*биринчидан*, қулай атроф-муҳитга бўлган ҳуқуқини;

*иккинчидан*, атроф-муҳитнинг ҳолати тўғрисида ишончли ахборотга эга бўлиш ҳуқуқини;

*учинчидан*, экологик жиҳатдан муҳим қарорлар қабул қилишда иштирок этиш ҳуқуқини;

*тўртинчидан*, етказилган экологик зарарнинг қоплаб берилишига бўлган ҳуқуқни ўз ичига олади.

Экологик таҳдидларга қарши курашиш, "яшил" иқтисодиётга ва углерод нейтраллигига ўтиш бўйича ҳар қандай чора-тадбирлар инсон ҳуқуқ ва манфаатларини бузмайдиган, тенгсизликни келтириб чиқармайдиган тарзда амалга оширилишини таъминлаш муҳим. Бунда экологик қарорлар қабул қилинишида инсон ҳуқуқларини таъминлаш устувор ўринни эгаллаши керак.

**Фолькер ТЮРК,**
**БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари:**

— Эҳтимол, ҳеч бир жойда Орол денгизидагидек экологик бузилиш кузатилмаган. Ўтган йили Ўзбекистонга ташрифимда бунга ўзим гувоҳ бўлганман. Бу мисол шуни кўрсатадики, уч карра сайёра инқирози фақатгина атроф-муҳит ва инсон ҳуқуқлари учун фалокат эмас, бу бизнинг иқтисодиётимиз учун ҳам ҳалокатдир. Марказий Осиёда фақат ўтган йилнинг ўзида иқлим билан боғлиқ офатлар 3 миллиард доллар зарар келтирган.

**Абдушукур ҲАМЗАЕВ,**
**Ўзбекистон Экологик партияси Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси:**

— Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясидаги ташаббуси билан 2021 йилда БМТ Бош Ассамблеясининг "Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида"ги резолюцияси қабул қилинганини алоҳида қайд этиш лозим. Бош Ассамблея бундай мақомни биринчи бўлиб Оролбўйи минтақасига тақдим қилди.

Натижада 2018 — 2022 йиллар давомида Орол денгизининг қуриган тубида 1,7 миллион гектар ўрмонзорлар яратилди. Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш, Оролбўйида биохилмахилликни сақлаш учун 3,5 миллион гектардан ортиқ майдонда табиат парклари, қўриқхоналар ва давлат ҳимоя ҳудудлари барпо этилди. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти аҳолисини марказлашган тарзда ичимлик сув билан таъминлаш ҳолати анча яхшиланди.

Форумда муҳокама этилаётган масалалар ҳам оғир экологик вазиятларда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

**Маттео МЕКАЧЧИ,**
**ЕХҲТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси директори:**

— Экстремал об-ҳаво ҳодисалари аллақачон яшаш, ишлаш ва ўқиш учун хавфсиз жойларни излаётган, кўпинча ўз уйларидан узоқда бўлган миллионлаб одамларнинг кўчишига сабаб бўлмоқда. Шу боис ҳаётни ўзгартирувчи бундай муаммоларга жавоб бериш барча одамларнинг ҳуқуқлари ва эҳтиёжларини ҳурмат қилиш йўлида жуда муҳимдир.

Яқин келажакда Марказий Осиё ва бутун ЕХҲТ ҳудуди инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларининг меҳнати ҳурмат қилинадиган ва рағбатлантириладиган, атроф-муҳитга оид хавотирлар эшитиладиган намунавий минтақага айланиши мумкин.

Глобал кўламдаги ҳамкорлик, шубҳасиз, иқлим билан боғлиқ офатларни бартараф этишга оқилона стратегик ечимлар топиш ва зарур ресурсларни самарадорлик билан сафарбар этиш имкониятларини сезиларли даражада оширади. Ўзбекистон Президентининг айни йўналишдаги ташаббуслари, бир томондан, иқлим ўзгаришларига қарши курашиш йўлидаги халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни янада мустаҳкамласа, иккинчи томондан, бундай глобал муаммолар ўзаро жам бўлиб ва барча босқичдаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштирган ҳолда иш тутиш муҳимлигини яна бир бор тасдиқлайди.

**Музраф ИКРОМОВ,**
**Ўзбекистон адлия вазири ўринбосари:**

— Глобал муаммога айланиб бораётган автомобиллар ҳаракатланиши ва тирбандликларнинг авжига чиқаётгани ҳам ҳавонинг ифлосланиш сабабларини келтириб чиқармоқда. Автотранспорт воситалари атмосфера ҳавосини азот оксиди билан 45,7 фоиз, углеводородлар билан 42 фоиз зарарлантиради.

Бир йилда Ер юзи бўйлаб жами ҳавога чиқариб ташланадиган 100 млн. тоннага яқин ис газининг 75,5 млн. тоннаси ёки 78 фоизи автотранспорт воситаларига тўғри келади. Шу боис ҳам бу глобал хавфлар жараёнида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг барқарор келажагини белгилаб олиш, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш — янги Ўзбекистоннинг устувор стратегик вазифаларидан бири.

**Бакит ЖУСУПОВ**
**ЕХҲТнинг Иқтисодий ва экологик фаолиятини мувофиқлаштирувчиси:**

— Ҳозирги кунда ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари мувофиқлаштирувчиси мамлакатдаги иқлим билан боғлиқ муаммолар харитасини тузмоқда. Шу асосда ҳукумат аҳолининг, жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларнинг эҳтиёжларини қондирадиган ахборот сиёсатини ишлаб чиқиши мумкин.

Бундай лойиҳалар ЕХҲТнинг бутун минтақадаги бошқа дала миссиялари билан биргаликда амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳалар жамиятларга бевосита таъсир кўрсатади ва барқарор турмуш шароитларини таъминлаш ҳамда бу соҳадаги сиёсат асосларини яратиш орқали инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ёрдам беради.

**Нурлан СЕИТИМОВ,**
**Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) Бош котиби ўринбосари:**

— Иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ муаммоларга нисбатан аҳолининг муносабатини шакллантирмасдан туриб, айни шу муаммоларни ижобий ҳал этиш қийин. Шунинг учун ҳам экология соҳасида онгли шахсни тарбиялаш сайёрамиз ҳаётини сақлаб қолишнинг муҳим шартларидан биридир.

Бунда таълим ва маданият дастурларидан экологик тарбия муҳим ўрин эгаллаши лозим. Бу соҳада тўпланган тажрибаларни ҳозирги замон илм-фанига хос билимлар билан уйғунлаштириш, шубҳасиз, жамиятда табиат ва биохилмахилликни асраб-авайлашга оид қадриятлар тизимини шакллантириш ҳамда атроф-муҳит билан ҳамжиҳатликда яшаш кўникмаларини ривожлантириш имконини беради.

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

---

Элчи Виталий ФЕН:

# ТОШКЕНТДА ЎТАДИГАН ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ УЧРАШУВЛАР ЎЗБЕКИСТОН ВА КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚЛАРИ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА АЛОҚАЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШГА КУЧЛИ ТУРТКИ БЕРАДИ

←1 Бугунги кунда Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги сиёсий муносабатлар алоҳида стратегик шериклик анъаналарига мос тарзда ўзаро ишонч, манфаатларни ҳурмат қилиш, халқаро майдонда бир-бирини кенг қўллаб-қувватлаш тамойиллари асосида ривожланмоқда. Глобал ва минтақавий аҳамиятга молик барча долзарб масалалар бўйича томонларнинг нуқтаи назари ва ёндашувлари ўхшаш ва яқиндир.

Ўзбекистон расмий Сеулнинг Корея ярим оролида глобал хавфсизликни таъминлаш борасидаги тинчликсевар сиёсатини қўллаб-қувватлайди.

2023 йил сентябрь ойида икки давлат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг янги шакли — вазирлар даражасидаги стратегик мулоқот йўлга қўйилди. Бу 32 йиллик дипломатик муносабатларда эришилган юксак ишончнинг яна бир далили бўлди.

> **Қайд этиш керакки, кейинги йилларда ўзаро савдо ва инвестиция кўрсаткичлари барқарор ошиб бормоқда. Жанубий Кореянинг Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинган тўғридан-тўғри инвестициялари ҳажми 7 миллиард АҚШ долларидан ошди. Мамлакатимизда кореялик ҳамкорлар билан биргаликда 726 та қўшма корхона фаолият юритмоқда, улардан 32 таси жорий йилда ташкил этилди.**

Ушбу корхоналарнинг фаолияти, асосан, савдо, енгил саноат, тоғ-кон, кимё, озиқ-овқат саноати, машинасозлик, уй-жой коммунал хўжалиги, соғлиқни сақлаш, туризм, хизматлар ва бошқа қатор соҳаларга ихтисослаштирилган.

Корея Халқаро ҳамкорлик агентлиги, Корея Эксимбанки ва унинг фондлари билан кўп йиллар давомида самарали ҳамкорлик қилинаётир, улар билан биргаликдаги лойиҳаларнинг умумий портфели 3 миллиард доллардан зиёдни ташкил этмоқда.

Икки мамлакат ҳамкорлигида Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари билан технологик ва инвестициявий шерикликни кенгайтириш, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни жадаллаштириш, инфратузилма, "яшил" энергетика, рақамлаштириш, кадрлар тайёрлаш ва бошқа йўналишлардаги қўшма лойиҳаларни илгари суриш амалий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари сифатида белгилаб олинган.

Бугунги кунда Корея Республикасининг етакчи компаниялари томонидан юртимиз иқтисодиётининг турли соҳаларида юзлаб устувор инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда хорижий инвесторларга яратилган қулай шарт-шароитлар натижасида "Samsung Group", "KIA Motors", "LG Corporation", "POSCO Group", "Hyundai Motor Group", "Lotte Group" каби йирик корейс компанияларининг юртимизга ишончи ортиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, Жанубий Корея хусусий корхоналарининг давлат кафолатларисиз тўғридан-тўғри Ўзбекистон иқтисодиётига киритаётган инвестициялари миқдорининг ортиб боришига замин яратмоқда.

Бугунги кунда ҳамкорликнинг янги йўналиши сифатида Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги ташқи савдо айланмасининг номутаносиблигини тенглаштириш ҳамда экспорт-импорт операциялари номенклатурасини диверсификация қилиш мақсадида икки давлат ўртасида Эркин савдо тўғрисида битим имзоланиши бўйича музокаралар давом этмоқда. Бундан ташқари, Жанубий Корея Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишига ҳам яқиндан кўмаклашиб келмоқда.

Икки мамлакат муносабатларида парламентлараро алоқалар ҳам муҳим ўрин тутади. Ўтган давр мобайнида парламентларимиз тажрибасини ўзаро ўрганиш, биргаликда халқаро конференциялар ўтказиш, мунтазам равишда делегациялар алмашинувини йўлга қўйиш борасида амалий ишлар қилинди.

Ўтган йили икки мамлакат парламентлари раҳбарлари "Марказий Осиё — Корея Республикаси ҳамкорлик форуми" шаклидаги парламент раҳбарларининг биринчи йиғилиши доирасида учрашган эди.

Айни пайтда Корея Республикаси тажрибаси асосида "KOICA" — Халқаро ҳамкорлик агентлиги кўмаги билан Ўзбекистонда "Электрон парламент" тизимини жорий қилиш борасида ишлар давом эттирилмоқда.

Корея Республикаси билан меҳнат миграцияси соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик йўлга қўйилган. 2007 йилдан буён давлатларимиз ўртасида меҳнат миграцияси соҳасидаги ҳамкорлик доирасида Бандликка рухсат бериш тизими бўйича 40 мингга яқин Ўзбекистон фуқаролари Жанубий Кореяга меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун юборилди. 2018 йил сентябрь ойида Корея Республикасининг Кванжу шаҳрида Ўзбекистон Бандлик ва меҳнат муносабатлари (ҳозирги Камбағалликни қисқартириш ва бандлик) вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг ваколатхонаси ташкил этилди. Ҳозирги кунда Жанубий Кореяда Бандликка рухсат бериш тизими бўйича 15 мингга яқин ўзбекистонликлар меҳнат қилмоқда. Ўтган йили Корея Республикаси ҳукумати томонидан Ўзбекистон учун 5 минг атрофида иш ўринларига квота ажратилган бўлса, 2024 йилда бу кўрсаткич 12 мингга етказилди. Жанубий Корея томони билан олиб борилган музокаралар натижасида йил охиригача бу рақамни 15 мингга етказиш режалаштирилган.

Давлатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни ривожлантиришда халқларимиз менталитетининг яқинлиги ҳамда Ўзбекистондаги йирик корейс диаспораси муҳим роль ўйнайди. Тошкент шаҳрида очилган Корейс маданияти ва санъати уйи эса халқларимизнинг мустаҳкам дўстлиги ва мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар юқори босқичга чиққанининг яна бир ёрқин тасдиғидир.

Шу билан бирга, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент давлат шарқшунослик университети ва Самарқанд давлат чет тиллар университетида корейс тилида дарслар олиб борилаётир.

Ҳудудлараро яқин алоқалар ўрнатиш доирасида, Тошкент — Сеул, Фарғона — Инчон, Самарқанд — Кёнджу, Бухоро — Тэгу ва бошқа бир қатор шаҳарлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик кундан-кунга ривожланиб бормоқда.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳамда Корея Республикаси ўртасидаги самарали ҳамкорлик алоҳида стратегик шериклик даражасига чиқди. Шу нуқтаи назардан, Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёлнинг юртимизга давлат ташрифи икки томонлама муносабатларни янги босқичга олиб чиқиши ва мамлакатларимиз халқлари фаровонлиги йўлида алоқаларни янада чуқурлаштириш ҳамда кенгайтиришга катта туртки бериши, шубҳасиз.

**«Дунё» АА.**
Сеул

---

**Жанубий Кореянинг Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этган инвестициялари ҳажми 7 млрд. доллардан ошди.**

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

## Мамлакатимизда ЮНИСЕФнинг янги лойиҳаси



*Олий Мажлис Сенатида ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё минтақавий бюроси халқаро маслаҳатчиси Мадлен Куинлан билан учрашув ўтказилди.*

*Унда ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар муҳокама қилиниб, юртимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар, хусусан, ёшларнинг руҳий саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар тўғрисида фикр алмашилди.*

Учрашувда Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Дилором Тошмуҳамедова қўмита ҳузурида ташкил этилган ўсмирлар ва ёшларнинг руҳий саломатлигини мустаҳкамлаш ва профилактика қилиш бўйича идораларaро ишчи гуруҳнинг фаолиятига тўхталиб, мазкур йўналишда Ўзбекистонда олиб борилаётган кенг кўламдаги ишлар ҳақида батафсил маълумот берди.

Ўз навбатида, М. Куинлан бугунги кунда мамлакат Президенти ҳамда ҳукумати томонидан руҳий саломатлик масаласига катта эътибор қаратилиб, салмоқли ишлар қилинаётгани ва муайян натижалар қўлга киритилаётганини алоҳида эътироф этди.

Айни чоғда, у ЮНИСЕФнинг Шарқий Европа ва Марказий Осиё минтақавий бюроси томонидан олтита давлатда, яъни Беларусь, Қозоғистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркманистонда руҳий саломатлик стигмасини камайтириш бўйича лойиҳа бошлаганлигини маълум қилди.

Ушбу лойиҳа руҳий саломатлик муаммоларини ҳал этишга, шунингдек, тиббиёт ходимлари, ўқитувчилар, ёшлар ва кенг жамоатчилик ўртасида дискриминациядан холи тилдан фойдаланишни тарғиб қилишга қаратилгани билан ҳам эътиборлидир.

Лойиҳани Ўзбекистонда амалга ошириш учун манфаатдор вазирлик ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда соҳа олимларидан иборат Маслаҳат кенгаши тузилгани, унинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш учун Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси кўмаги зарурлиги қайд этилди.

Шунингдек, учрашувда Олий Мажлис Сенатининг ЮНИСЕФ ташкилоти билан келгусидаги ҳамкорлик истиқболлари ҳам муҳокама қилинди.

## Ислоҳотларда парламентнинг роли ортиб бораётгани таъкидланди

*Олий Мажлис Сенатининг Ҳудудий вакиллик органлари фаолиятини ўрганиш маркази директори Қувондиқ Муқумов ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори Антти Карттунен иштирокида учрашув бўлиб ўтди.*

Унда одам савдоси ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш, хотин-қизларнинг барча йўналишда ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, гендер тенглик масалаларидаги ҳамкорлик ҳолати ва истиқболдаги режалар кенг муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг қатъий сиёсий иродаси туфайли "Янги Ўзбекистон — халқчил ва инсонпарвар давлат" ғояси асосида давлат ва жамият сиёсий-ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш, бу жараёнда инсон ҳуқуқлари тизимини янада ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганлиги таъкидланди.

Мулоқотда ЕХҲТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори юртимизда олиб борилаётган демократик ислоҳотларни қўллаб-қувватлашини, жамиятни ислоҳ қилишда мамлакатимиз парламенти роли ортиб бораётганини алоҳида қайд этди.

Учрашув якунлари бўйича томонлар яқин мулоқотни ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга келишиб олди.

## ЁШЛАР МАНФААТЛАРИДА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК

*Тожикистон Республикасининг Душанбе шаҳрида БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA)нинг аҳолишунослик ва ривожланиш бўйича халқаро конференция Ҳаракатлар дастурининг ("ICPD — 1994") 30 йиллигига бағишланган парламент анжумани бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари ҳамда Қонунчилик палатаси депутатларидан иборат мамлакатимиз делегацияси ҳам иштирок этди.*

### Анжуман

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, аҳолишунослик ва ривожланиш бўйича халқаро конференция 1994 йил 5 — 13 сентябрь кунлари Қоҳира шаҳрида бўлиб ўтганди. Унда қабул қилинган Ҳаракатлар дастури оилани режалаштириш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, гендер тенгликни, хотин-қизлар ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, барқарор ривожланишни таъминлаш каби чора-тадбирларни қамраб олган.

"Сув ресурслари ва ёшлар манфаатларида демографик барқарорлик" мавзуидаги тадбир Тожикистон Республикаси парламенти, Аҳолишунослик ва ривожланиш бўйича Осиё парламентлари аъзолари форуми, "UNFPA"нинг Душанбедаги офиси томонидан ташкил этилди.

Анжуманда иқлим ўзгариши муаммолари, сув етишмовчилигининг ёшлар ҳуқуқ ва имкониятларига таъсири ҳамда ўсиб келаётган авлодни ишли қилиш орқали демографик барқарорликни таъминлаш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича устувор вазифалар, парламентларнинг Ҳаракатлар дастури ва БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишдаги ўрни каби масалалар муҳокама қилинди.

Анжуманда Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Одилжон Иминов "Ёшлар салоҳиятидан фойдаланиш: мегатрендларни ҳал қилиш ва минтақада демографик барқарорликни яратишда Ўзбекистон тажрибаси" мавзуида маъруза билан қатнашди.

Анжуман якуни бўйича тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

**«Халқ сўзи».**

## ДАСТУРЛАР ИЖРОСИ ҚОНИҚАРЛИМИ?

*Айни кунларда Олий Мажлис Сенати аъзолари бошчилигидаги ишчи гуруҳ томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган Фармон ва қарорларида белгиланган устувор вазифалар ижроси атрофлича ўрганилмоқда.*

### Ўрганиш

Жумладан, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси Эркин Гадоев ҳамда Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси Баҳодир Тожиев бошчилигидаги ишчи гуруҳ Навоий вилоятида бўлиб турибди.

Мазкур гуруҳ томонидан вилоятда қонунчилик ҳужжатлари ва улар асосида қабул қилинган дастурлар ижросини таъминлаш бўйича масъул давлат органларининг фаолияти, уларнинг қуйи тузилмаларида амалга оширилаётган ишлар, юзага келаётган муаммоларнинг ҳал этилиши, ҳудудда хотин-қизлар ва ёшлар бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш ҳолати чуқур таҳлил қилинди.

Ўрганиш доирасида ишчи гуруҳ аъзолари аҳолига деҳқон хўжалиги учун ажратилган ер майдонлари, томорқалардан самарали фойдаланиш ва етиштирилган ҳосилни ўз вақтида йиғиб олиш ишлари билан танишди.

Шундан сўнг ишчи гуруҳ Навоий вилояти ҳокимлигида тегишли мутасаддилар билан янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти юзасидан мулоқот ўтказди.

Ишчи гуруҳнинг ҳудуддаги ўрганишлари давом этмоқда.

**«Халқ сўзи».**

Ўзбекистон — ЖСТ:

## УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

◄1

Бугунги кунда ЖСТ мамлакатлараро савдо қоидаларини бошқариб турувчи ягона халқаро ташкилот саналади. Унинг асосий ҳужжатларида аъзо давлатлар савдодаги тарифлар ва бошқа тўсиқларни сезиларли даражада камайтириши ва халқаро савдода камситувчи муносабатни бартараф этиши лозимлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Тадбирда вазирлик ва идоралар вакиллари ҳамда экспертларнинг маърузалари тингланди.

Қайд этилишича, Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш жараёнида қўлланиладиган тартиб-таомиллар мамлакат иқтисодиётини ҳар томонлама либераллаштириш, ривожланган давлатлар қабул қилган стандартлар бўйича эркин, рақобатли, шаффоф иқтисодиёт қуриш бўйича "Йўл харитаси" ҳисобланади.

Шу билан бирга, ЖСТга кириш Ўзбекистонга кичик ва йирик бизнес, тадбиркорлик ҳамда шу орқали иқтисодиётни ривожлантиришга кўмак беради. Иқтисодиёт соҳаларида янги "ўсиш нуқталари", янги тармоқлар пайдо бўлиб, кичик бизнес, тадбиркорлик ва айни чоғда, бутун миллий иқтисодиёт тараққий топади.

Иштирокчилар қайд этганидек, "Бозор ислоҳотларини янада жадаллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигини Жаҳон савдо ташкилоти битимларига мувофиқлаштириш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент Фармонида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши миллий иқтисодиётни ривожлантиришга, эркин бозор тамойилларини амалда татбиқ этишга хизмат қилади.



Фармонда қонунчилик билан тақдим этилган кўплаб махсус (эксклюзив) ҳуқуқлар ва имтиёзларни бекор қилиш, шунингдек, табиий газ ва электр энергиясининг улгуржи ҳамда чакана савдо фаолиятини йўлга қўйиш, республикамиз ҳудудида фаолият олиб борадиган телекоммуникация операторларига халқаро интернет тармоқларига тўғридан-тўғри уланиш ҳуқуқини бериш, темир йўл орқали юкларни ташишда экспорт ва импорт ташиш хизматлари учун тарифларни бирхиллаштириш каби муҳим вазифалар белгиланган.

Давра суҳбатида Фармонга асосан вазирлик ва идораларга юклатилган вазифалар ҳамда улар устидан парламент назоратини олиб бориш, Қонунчилик палатаси қўмиталари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар белгилаб олинди. Шунингдек, ЖСТга аъзо бўлиш жараёнининг ташкилий-ҳуқуқий асослари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

## «ЯШИЛ МАКОН» ДОИРАСИДАГИ ИШЛАР ДЕПУТАТЛАРНИ ҚАНОАТЛАНТИРМАДИ



*Парламент қуйи палатасининг Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси ҳамда "Адолат" социал-демократик партияси фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши, Қишлоқ хўжалиги, Сув хўжалиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги ҳамда Транспорт вазирликларининг "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида жорий йилнинг баҳор мавсумида амалга оширилган ишлар ҳолати тўғрисида"ги ахборотлари эшитилди.*

Қайд этилганидек, Президентимизнинг тегишли Фармони билан бутун мамлакат миқёсида дарахтзорларни кўпайтиришга қаратилган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилмоқда. Натижада 2021 йилдан буён мамлакатда 646 млн. 443 минг туп дарахт ва бута кўчати экилиб, "yashilmakon.eco" платформасига киритилган.

Шу билан бирга, 2024 йил баҳор мавсумида мамлакат бўйича 138,1 млн. туп дарахт кўчати экилган. Бу ишлар вилоят, туман, маҳаллалар, таълим муассасалари, вазирлик ва идоралар кесимида манзилли дастурлар асосида йўлга қўйилган. Жумладан, Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги томонидан ҳар бир туман ва шаҳарга ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитига мос кўчат турлари тизимли етказиб берилишини ташкил этиш мақсадида 747 та кўчат савдо ярмаркаси, 914 та семинар-тренинг ўтказилган.

Шунингдек, ижтимоий соҳа объектлари, жумладан, соғлиқни сақлаш муассасаларига Экология жамғармаси маблағлари ҳисобидан 500 минг туп, ўрмон хўжаликлари томонидан мактабгача таълим муассасаларига 618 минг туп дарахт кўчатлари ҳамда мактабларга 2,1 млн. дона қаламча беғараз ёрдам тариқасида етказиб берилган. Жорий йилда 377 гектар майдонда ниҳолхона ва кўчатхоналар ташкил этилган.

Сув хўжалиги вазирлиги томонидан сув объектлари қирғоқбўйи минтақасида 5,1 млн. туп, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан фермер хўжаликлари, боғзор ва токзорлар ҳамда янги тутзорлар барпо этиш ҳисобидан 66,7 млн. туп, Транспорт вазирлиги томонидан автомобиль, темир йўл ва метрополитен бўйларида 6,2 млн. туп ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан аҳоли пунктларидаги уйлар атрофида 0,3 млн. туп дарахт ва бута кўчатлари экилган.

Йиғилишда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида белгиланган вазифаларни амалга оширишда қатор камчиликларга йўл қўйилгани қайд этилиб, бу йил баҳор мавсумида қарийб 608 минг туп кўчат суғориш тизимлари мавжуд бўлмаган жойларга экилгани танқид қилинди.

Жорий мавсумда автомобиль ва темир йўл бўйларига дарахт экиш режаси Тошкент вилоятида 29,9 фоизга, Тошкент шаҳрида 32,9 фоизга, йирик саноат корхоналари томонидан экилиши лозим бўлган дарахтлар Бухоро вилоятида 40,5 фоизга, чиқинди полигонлари атрофида иҳота дарахтзорларни барпо этиш 67,7 фоизга бажарилгани эътирозга сабаб бўлди.

Бундан ташқари, давлат дастурига асосан республикада 444 та яшил боғ барпо қилиш вазифаси юклатилган бўлса-да, бугунги кунда "Ўрмонлойиҳа" ДУК томонидан 132 та яшил боғнинг лойиҳаси ишлаб чиқилган ва экспертизага тақдим этилган. Қолган боғлар учун ер танлаш ва ажратиш бўйича маҳаллий ҳокимият органларининг қарорлари қабул қилинмаган.

Муҳокамада депутатлар жойларда парламент ва жамоатчилик назорати тартибида олиб борилган ўрганишлар давомида иқлим шароитларига мос бўлмаган дарахт турлари ҳамда кўчатлар доимий сув манбаи бўлмаган ҳудудларда тартибсиз экилганлигини таъкидлаб, кўчатларни экиш, уларни парваришлаш бўйича таклиф ва тавсиялар берди.

Йиғилишда кун тартибидаги масала юзасидан тегишли қўшма қарор қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

## ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

*Куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари қурилиш соҳасидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни кучайтиришни кўзда тутувчи қонун лойиҳасини кўриб чиқди.*

*Маълумки, кейинги йилларда мамлакатимизда шаҳарсозлик соҳасини такомиллаштириш ва шаҳарсозлик фаолияти объектларининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш борасида жадал ишлар олиб борилмоқда. Соҳада соғлом рақобат муҳити яратилиб, ички манбалар ва хорижий инвестицияларни жалб этиш имкониятлари кенгаймоқда. Объектларни лойиҳалаштириш ва қуришда инновацион ечимлар, замонавий лойиҳалар ҳамда янги илмий-техникавий ишланмалардан фойдаланилмоқда. Булар қурилишларнинг сифат даражасини ошириш билан бир қаторда бинолар ва иншоотларнинг дизайнини яхшилаб, замон талабларига мослигини оширмоқда.*

### Бу — долзарб

Ўз ўрнида, шаҳарсозлик фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ҳужжатлар базаси ҳам такомиллашиб боряпти. Бунга 2021 йил 23 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси яққол мисол бўла олади. Кодексда, жумладан, шаҳарсозлик фаолиятини амалга оширишда:

— фуқаролар, жамият ва давлат манфаатларини ҳисобга олган ҳолда мамлакат барча ҳудудини барқарор ривожлантиришга;

— инсонлар яшаши учун қулай муҳит яратиш, атроф-муҳитга, табиий ресурсларга ва маданий меросга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишга;

— қурилишлар сифатини ошириш, биноларнинг хавфсизлиги ва ишончлилиги, уларнинг сейсмик чидамлилигини таъминлаш каби талабларга риоя қилишга;

— соҳада жамоатчиликнинг иштирокини таъминлашга амал қилиниши зарурлигига қаратилган қоидалар мустаҳкамлаб қўйилган.

Президентимизнинг шу йил 29 апрелдаги қарорида ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурлари ҳамда бюджет тизими ҳисобидан молиялаштириладиган қурилишларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишнинг самарали назорат механизмларини ва замонавий ахборот технологияларини жорий этиш, қурилиш иштирокчиларининг ва назорат қилувчи идораларнинг масъулиятини кучайтириш чоралари белгиланди.

Қарорга мувофиқ, қуриш ва реконструкция қилиш бўйича тайёрланган лойиҳа-смета ҳужжатларини кўриб чиқиш ваколати бўлган "Лойиҳа офиси" ташкил этилди. Яқинда "Шаффоф қурилиш" миллий ахборот тизими ва унинг "Қурилишда давлат назорати" электрон платформаси ишга туширилиши кутилмоқда.

Эътироф этиш жоизки, йил сайин миллий қурилиш нормалари, қоидалари, стандартлари, техник регламентлар такомиллаштирилиб борилмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги беш йил давомида, жумладан, 2019 йилда 71,1 трлн., 2020 йилда 88 трлн., 2021 йилда 107,4 трлн., 2022 йилда 130,7 трлн. ҳамда 2023 йилда 149,9 трлн. сўм ҳажмдаги қурилиш ишлари бажарилган. Бу иш билан шуғулланадиган ташкилотлар 2016 йилда 2 мингтани ташкил этган бўлса, ҳозирги вақтда улар сони қарийб 48 мингтага етди.

Албатта, булар қурилиш соҳасидаги давлат назоратининг самарали ва сифатли амалга оширилишини ҳам талаб этади. Шу нуқтаи назардан, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 майдаги қарори билан Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг мақоми, асосий вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, жавобгарлиги, фаолиятини ташкил этиш тартиби белгилаб қўйилди.

Айтиш жоизки, Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси (ҳозирги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси) томонидан 2021 йилда 30 454 та, 2022 йилда 32 531 та ва 2023 йилда 36 245 та объектдаги қурилиш ишлари устидан давлат назорати амалга оширилган. Лекин амалдаги қонунчилигимизда соҳадаги қонунчиликни бузганлик учун белгиланган жазо чоралари улар ўта енгил бўлганлиги учун самара бермади.

Депутатлар томонидан кўриб чиқилган қонун лойиҳасида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Ушбу ўзгартириш ва қўшимчаларга мувофиқ, эндиликда:

— лойиҳалаштириш, қурилиш-монтаж ишлари бажарилаётганда талабларни бузганлик, шунингдек, назорат қилиш инспекцияларининг кўрсатмаларини бажаришдан қасддан бўйин товлаганлик ёки ўз вақтида бажармаганлик (бундан 300 куб метрдан ортиқ бўлмаган яшаш учун мўлжалланмаган жойлар ҳамда қаватлари икки қаватдан кўп бўлмаган (цоколни ҳисобга олмаган ҳолда), баландлиги ер юзасидан 12 метрдан ва (ёки) умумий майдони 500 квадрат метрдан ортиқ бўлмаган якка тартибдаги уй-жой қурилиш объектлари мустасно) учун фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг ўттиз баравари, мансабдор шахсларга эса етмиш баравари даражасида жарима солинади;

— худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, маъмурий жарима миқдорлари ошади;

— лойиҳа ташкилоти томонидан буюртмачига қурилиш-монтаж ишлари давомида лойиҳага мувофиқ бериладиган мажбурий кўрсатмаларни тўлиқ бажармаслик, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг қирқ баравари, мансабдор шахсларга эса етмиш баравари даражасида жарима солишга сабаб бўлади;

— ушбу ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, жарима миқдори бирмунча ошади.

Бундан ташқари, Жиноят кодексига ҳам бир қатор қўшимчалар киритилмоқда. Унга кўра, қурилиши тугалланган бинолар ва иншоотлардан фойдаланишга доир рухсатнома бериш ҳамда уларни фойдаланишга қабул қилиш қоидаларини бузиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланади.

Объектларни Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияларининг рухсатномасиз қуриш, шундай ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Кўп квартирали уйлардаги таянч конструкцияларни қонунчиликни ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни бузган ҳолда ўзгартириш ва (ёки) реконструкция қилиш, шундай ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилишга сабаб бўлади.

Шу ўринда, табиийки, қурилиш соҳасидаги қонунчиликни бузганлик учун жавобгарликни янада кучайтириш зарурми, деган савол туғилади. Албатта, зарур. Энг аввало, айрим фуқаролар ва қурилиш соҳасига дахлдор масъул шахсларнинг бу йўналишдаги қонунчиликни билмаслиги ёки билатуриб қонун талабларини бажармаслиги ёхуд бажаришдан қасддан бўйин товлаши жавобгарликнинг кучайтирилишига туртки бўлмоқда.

Депутатлар ҳам жойларда қурилиш ташкилотлари масъуллари билан ўтказган учрашувларда, уларнинг аксарияти қурилиш соҳасидаги қонунчилик талабларини етарлича тушунмаслиги ёки умуман бехабар эканлигига гувоҳ бўлмоқда.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда қонунчилигимизда қурилиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий ва жиноий жазолар анчайин енгил бўлиб, табиийки, енгил жазони ҳуқуқбузарликларнинг такрор содир этилишига чек қўяди, деб бўлмайди. Ўйлаймизки, ушбу қонун тез-тез дуч келинаётган ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш борасидаги ҳуқуқбузарликларни камайтиришда, энг муҳими, қурилишларнинг сифатини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, қонунга киритилган ўзгартиришлар аҳоли хавфсизлигини, қурилиш объектларининг сифати ва бардошлилигини оширишга, атроф-муҳит муҳофазаси, асосийси, қонунларнинг устуворлигини ҳамда масъуллар томонидан сўзсиз ижро этилишини таъминлашга хизмат қилади.

Мазкур қонун Олий Мажлис Сенатига маъқуллаш учун юборилди.

**Қаҳрамон ЭРГАШЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси.**

**Ўзбекистоннинг 7 та олий таълим муассасаси «Impact Rankings — 2024» халқаро рейтингида дунё миқёсида «ТОП — 1000»таликдан жой олди.**

# ДАВРАМИЗ ФАЙЗИ, ХОНАДОНЛАРИМИЗ ФАРИШТАСИ

## Кексалар давлатимиз ва жамиятимиз ардоғида

*Вақт ўтиши билан инсон кексаяди, ўз-ўзидан унинг меҳнат қобилияти пасаяди. Бу — табиат қонуни. Ана шу қонуний жараёнлар оқибатида кексаларнинг ижтимоий эҳтиёжида ўзгаришлар рўй беради. Жамиятда кексалар эҳтиёжига мувофиқ ижтимоий ҳимоя тизимини яратиш уларнинг турмуш тарзини яхшилашга, ижтимоий аҳволини барқарорлаштиришга хизмат қилади.*

### Таҳлил ва таққос

### Инсон — олий қадрият

Кексаларнинг ижтимоий аҳволи бевосита улар саломатлиги билан боғлиқ. Барча ёшдаги кам таъминланган фуқароларнинг барвақт ногирон бўлиши ва бевақт вафот этиши баъзан моддий ва маънавий ночорлик оқибатида содир бўлади. Кам таъминланган кекса кишилар учун уларнинг аянчли тақдири тиббий хизматдан фойдалана олмаслик, ўз саломатлигини муҳофаза қилиш, тез, шошилинч ҳамда бошқа тиббий ёрдам ва хизматдан фойдаланиш учун молиявий имкониятлари йўқлиги сабабли янада мураккаблашади.

Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотларига кўра айни пайтда дунёда умргузаронлик қилаётган кексаларнинг 68 фоизи қарилик пенсияси олади. Бу кўплаб давлатларда ҳали ҳам жамғариб бориладиган ёки суғуртали пенсия таъминоти етарлича ривожланмаганини кўрсатади. Ижтимоий таъминот такомиллашмагани боис инсониятнинг 56 фоизи соғлиқни сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиш имконига эга эмас.

Президентимизнинг ўтган йил 27 декабрдаги "Ўзгалар парваришига муҳтож кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори "Одамлар эртага эмас, бугун бахтли яшашни истайди", деган тамойил асосида инсон омили олий қадрият даражасига кўтарилган Ўзбекистонда ушбу аҳоли қатламига алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш ва эътиборни кучайтириш, уларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратмоқда.

### Ижтимоий ҳимоя тизимида халқаро тажриба

Оила ва жамиятда, ёшларни халқимизнинг кўп асрлик қадрият ва анъаналари руҳида тарбиялашда кексаларнинг ўрнини ҳеч бир восита боса олмайди. Шу боис юртимизда хонадонларимизнинг файзу фариштаси бўлган мўътабар нуронийларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Уларга ижтимоий ёрдам, пенсия таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатиш такомиллаштириляпти.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ халқ фаровонлиги, аҳоли бандлиги, фуқароларнинг муносиб яшаш шароитига эга бўлишини таъминлаш асосий вазифалардан бирига айланди. Бу борада дунё тан олган олимларнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш концепцияларини муваффақиятли қўллаб келаётган кўплаб ривожланган давлатлар тажрибаси ўрганилди. Уларнинг энг мақбул тамонлари олиниб мамлакатимизда амалиётга жорий этилмоқда, жаҳонда муқобили топилмайдиган маҳаллабай ишлаш тизими билан уйғунлаштириляпти. Ҳозирги кунда аҳолининг яшаш шароити ва мавжуд муаммолари шу тизимнинг ўзида ўрганилиб, уларнинг ечими топилаётир.

Швециялик олим Эспинг-Андерсон 1991 йилда ижтимоий ҳимоя ти-



зимини либерал ва консерватив гуруҳга бўлган. Ижтимоий таъминотнинг либерал турида асосий мезон муҳтожликни текшириш, давлатнинг ижтимоий ёрдамини эркин бозордан ажратиш, манзилли кўмак кўрсатиш сингари ўзига хос омиллар билан ажралиб туради. Асосий мақсад — камбағалликни йўқотишга қаратилган бўлиб, илк бор Буюк Британия, Япония давлатларида муваффақият билан қўлланила бошланган.

Ижтимоий таъминотнинг консерватив турида белгиланган вазифаларнинг бажарилишини текшириш, ижтимоий суғурталашнинг классик тизимини қўллаш, умрбўйи меҳнат қилган фуқароларга кексайганида муносиб моддий ёрдам кўрсатиб бориш каби қатор гуманистик мезонлар мавжуд. Бундан мақсад — ҳар бир фуқаронинг ишга лаёқатли бўлган даврда эришган турмуш даражаси, моддий фаровонлигини сақлаш, уларнинг қашшоқлик гирдобига тушиб қолишининг олдини олиш ҳисобланади. Бу усул ҳозиргача Германия ва Ғарбий Европа мамлакатларида қўлланиб келинади.

Ижтимоий ҳимоя тизимлари турли мамлакатлар амалиётида турлича жорий этилган. Масалан, Скандинавияда яшовчи фуқаролар ижтимоий таъминот ҳуқуқига, барча ишловчилар иш ҳақига қараб имтиёзлар олиш ҳуқуқига эга. Давлатнинг асосий вазифаси тўлиқ бандликни таъминлашдан иборат бўлиб, ана шу омил кексаларнинг бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаб келмоқда.

Бисмарк тизимида ҳам давлатнинг асосий вазифаси аҳолини иш билан таъминлаш, даромадларини ошириш ва ҳимоялаш ҳисобланади. Касаллиги ёки ногиронлиги бўлганлар алоҳида ижтимоий муҳофазага олинади. Аммо ишга лаёқатли бўлатуриб, меҳнатдан бўйин товлаган фуқаролар бундан мустасно.

Бевериж тизимида ҳар бир фуқаро касал бўлганида, кексайганида, ҳомиладорлик пайтида, вафот этганида уларга, албатта, ижтимоий нафақа ёки пул кўринишидаги моддий ёрдам берилади. Давлатнинг асосий вазифаси фуқароларнинг минимал даромадларини ҳимоялашдан иборат бўлиб, бунда кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ёлғиз кексаларни моддий ёрдам билан қамраб олиш масъулиятини давлат ўз зиммасига олади.

Хитой тажрибасида аҳолини камбағалликдан чиқариш учун барча ташкилотлар масъул. Ана шу омилнинг ўзи боқимандаликка йўл қўймайди. Мамлакатда фуқароларга моддий ёрдам кўрсатишдан кўра уларнинг бандлигини таъминлаш, бўш иш ўринлари яратиш муҳим ўрин тутади.

### Юртимиздаги ўзига хос ёндашув

Ҳозирги кунда Ер юзида 60 ёшдан ошган кекса авлод сони йилдан-йилга кўпаймоқда. БМТ маълумотларига кўра 2025 йилга бориб бу рақам 1 миллиарддан ошиб кетиши прогноз қилиняпти. Бу — 1950 йилдагига нисбатан 5 марта кўп, демакдир. Дунё аҳолисининг бундай таркибий тузилиши хорижий ва МДҲ мамлакатларида кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Мамлакатимизда 2030 йилларга бориб пенсия ёшидагиларнинг умумий аҳоли сонидаги улушининг ортиши харажатларни манзилли йўналтиришни такомиллаштириш ва даромадларни табақалаштиришни тақозо этади. Бунда ижтимоий ҳимоянинг муҳим бўлаги ҳисобланмиш хусусий жамғариб бориладиган пенсия таъминотининг такомиллаштирилиши баробарида пенсия тизими маблағларидан самарали фойдаланиш имконияти яратилади. Бу чора-тадбирлар харажатлар мақсадлилигини таъминлаш билан бирга, аҳолини, айниқса, кекса авлодни ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янги босқичга олиб чиқиш кафолатини беради.

Камбағал, ишсиз фуқароларни ўз қизиқишига қараб мономарказларда касб-ҳунар ёки тадбиркорликка ўқитиш, шу асосда ишга жойлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Биргина аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш учун ҳар йили давлат томонидан бир неча юз миллиардлаб маблағ ажратиляпти. Аҳолининг доимий даромад манбаига эга бўлишини таъминлаш мақсадида барча йўналишда белгиланган механизмлар ўз самарасини бермоқда.

"Маҳалла еттилиги" томонидан камбағал оилалар рўйхати шакллантирилиб, улар давлатнинг доимий эътиборига олиняпти. Оила аъзоларининг ҳар бирига ўқитиш ва иш билан таъминлашдан тортиб барча зарур йўналишда алоҳида манзилли ёрдам кўрсатилади. Айни шу йўналишда маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари томонидан "Online-mahalla" платформасида аҳолини камбағалликдан чиқариш бўйича индивидуал дастурлар тузилиб, бу борада ҳам қўлга киритилган тажрибалар умумлаштирилмоқда.

### Соҳада рақамлаштириш қандай натижалар бермоқда?

Эндиликда "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази томонидан индивидуал тартибдаги ижтимоий хизматлар кўрсатиш режаси тузилиб, шу асосда "Ягона миллий ижтимоий ҳимоя" ахборот тизимида ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшовчи ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг реестри юритилади. Марказ, шунингдек, ўзгаларнинг парваришига муҳтожлик даражасини баҳолайди.

Ижтимоий ҳимоя тизимида хусусий сектор иштироки кенгайтирилиб, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий аҳволидан келиб чиқиб табақалаштирилган ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизими жорий этилмоқда.

Жорий йилнинг май ойидан эса реестрга киритилган ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга ҳар ойлик уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича компенсация бериш йўлга қўйилди. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва шахсий гигиена товарлари учун ҳар ойда қўшимча пул тўловлари ўрнига ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун ҳар ойда минимал истеъмол харажатлари миқдорида моддий ёрдам тўлаб бошланди.

Ижтимоий ходим ассистентларининг фаолияти ҳар ойда бир маротаба улар хизмат кўрсатаётган ёлғиз кексалар, маҳалладаги ижтимоий ходимлар ва махсус дастур томонидан баҳоланади ва шу асосда рағбатлантирилади. Ҳар олти ойда бир маротаба ижтимоий хизматлар сифати ҳамда индивидуал ижтимоий хизматлар режаси натижалари "Инсон" ижтимоий хизматлар маркази ходими, ижтимоий ходим, туман тиббиёт бирлашмасининг махсус мониторинг гуруҳи вакили ҳамда фуқаролар йиғини раиси томонидан мониторингдан ўтказилади. Бунда ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг оддий ва мураккаб ҳаракатларни амалга ошириш имконияти ҳисобга олинади. Индивидуал ижтимоий хизматлар режасида белгиланган хизматларнинг масъул ходим томонидан кўрсатилган муддати, натижаси, сифати, самарадорлиги, бехатарлиги баҳоланади. Мониторинг маълумотлари "Ягона миллий ижтимоий ҳимоя" ахборот тизимига киритиб борилади.

Кейинги йилларда "Нуроний" жамғармасининг молиявий имкониятлари янада кенгайди, ўзгалар парваришига муҳтож 16 мингдан зиёд кексаларга ёрдам берилди, кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар кўлами ошди.

Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун "Саховат" интернат уйлари ҳамда Уруш ва меҳнат фахрийлари учун республика пансионати Ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази сифатида қайта номланиб, ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахслар учун ижтимоий-меҳнат реабилитация хоналари ташкил этилди. Истиқомат қилувчи ҳар 100 кишига бир нафардан ижтимоий ходим, реабилитолог ва меҳнат йўриқчиси штат бирликлари жорий этилди. Шу билан бирга, марказда истиқомат қилувчилар меҳнат фаолияти билан шуғулланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясига кўра 2030 йилда Давлат бюджетининг ижтимоий ҳимояга йўналтирилган харажатлари ЯИМга нисбатан 1,5 фоизга етказилади.

### Дуо билан кўкарган эл

Азалдан боласини ардоқлаб, улуғини эъзозлаб келган халқмиз. Ҳар бир ишни оқсоқоллар билан бамаслаҳат қиламиз. Янги туғилган гўдакнинг қулоғига азон айтишдан тортиб соч кесишгача, тўй-маъракалардан тортиб дала-деҳқончилик ишларини бошлашгача, бари-барини уларсиз тасаввур эта олмаймиз. Даврамизнинг тўри, қалбимизнинг қўри, хонадонларимиз фариштаси улар.

Давлатимиз раҳбарининг шу юртнинг фидойи бир фарзанди сифатида кексаларнинг ҳеч нарсага зориқмай яшашини, моддий таъминотини яхшилаш, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва ёлғиз кексаларга кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамлар кўламини кенгайтириш борасидаги савоб ишлари, саъй-ҳаракатлари уларнинг дуосини олишга, рози қилишга қаратилгани билан аҳамиятли.

Тарихий ўзгаришлар шарофати билан давлат халқнинг кўнглини топишга, унинг ишончини қозонишга қўл урди, халққа яқинлашди. Бугун Президент виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари фаолияти дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда. Аҳолининг муносиб ҳаёт тарзи учун зарур бўлган даромад даражасини аниқлаш, "истеъмол саватчаси" тушунчасини амалда қўллаш механизмини яратиш йўлида иш олиб борилмоқда.

Бу ислоҳотларга бевосита гувоҳ бўлаётган юрт келажаги — фарзандларимиз улғайиб, ана шу анъаналарни давом эттиради, бундай эзгу ишлар ҳаёт бор экан, юртимизда бардавом бўлади. Бу эса, ўз навбатида, қадри баланд, қадриятлари жаҳон ҳамжамиятида эъзоз топаётган миллатимизнинг янада гуллаб-яшнашини кафолатлайди.

**Нуруллоҳ ОСТОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**



# ЎЗБЕКИСТОННИНГ 7 ТА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ДУНЁ МИҚЁСИДА «ТОП — 1000»ТАЛИКДАН ЖОЙ ОЛДИ

*Шу йил 10 — 13 июнь кунлари Таиланднинг Бангкок шаҳрида "Times Higher Education" халқаро рейтинг ташкилоти томонидан БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига бағишланган "Глобал барқарор ривожланиш конгресси" ўтказилди.*

### Эътироф

Мазкур анжуманда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда мамлакатимизнинг етакчи олий таълим муассасалари масъулларидан иборат Ўзбекистон делегацияси қатнашди. Тадбир доирасида Ўзбекистон олий таълим муассасалари фаолиятига бағишланган махсус павильон ташкил этилди.

Конгрессда "Times Higher Education" халқаро рейтинг ташкилоти томонидан "Impact Rankings — 2024" натижалари эълон қилинди.

Эътиборлиси, мазкур рўйхатда Ўзбекистоннинг 53 та олий таълим муассасаси қайд этилган. Улардан Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети (301 — 400-ўрин), Тошкент давлат юридик университети (401 — 600-ўрин), Ўзбекистон Миллий университети (601 — 800-ўрин), "Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти" миллий-тадқиқот университети (601 — 800-ўрин), Самарқанд давлат университети (801 — 1000-ўрин), Тошкент давлат техника университети (801 — 1000-ўрин) ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети (801 — 1000-ўрин) "ТОП — 1000"таликдан жой олди. Шунингдек, рейтингда Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети гендер тенглик кўрсаткичи бўйича дунёда 10-ўринни эгаллади.

Ўзбекистон делегацияси ташриф давомида, шунингдек, БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига қаратилган муҳокамалар, олий таълим муассасаларининг халқаро рейтингдаги ўрнини мустаҳкамлаш ҳамда нуфузли хорижий университетлар билан ўзаро алоқаларни ривожлантириш масалалари бўйича икки томонлама учрашувлар ўтказди.

**«Дунё» АА.**
Бангкок

# ЖССТ экспертлари иштирокида тиббий кўрик ўтказилди

*Сирдарё вилоятида кўп тармоқли марказий поликлиникалар врач-офтальмологлари учун "Тизимда NCD профилактикаси ва назоратдан фойдаланиш имкониятларини яхшилашда бирламчи ёрдам" мавзуида уч кунлик семинар ташкил этилди.*



Унда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маслаҳатчиси, Буюк Британиядаги Ливерпул университетининг клиник офтальмология соҳаси бўйича профессорлари иштирок этди. Шунингдек, сирдарёлик врач-офтальмологларнинг ҳам амалий, ҳам назарий билимларини янада мустаҳкамлаш мақсадида диабетик ретинопатия хасталигига чалинган ва даволанишга муҳтож беморлар учун тиббий кўрик ташкил этилди.

**«Халқ сўзи».**

РЕКЛАМА

# ТАМАКИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ НОҚОНУНИЙ СОТУВЧИЛАР ВА ИМПОРТ ҚИЛУВЧИЛАРГА ҚАНДАЙ ЧОРАЛАР ҚЎЛЛАНАДИ?

*Президентимизнинг яқинда қабул қилинган "Алкоголь ва тамаки маҳсулотлари бозорини тартибга солиш ҳамда уларнинг ноқонуний айланмасининг олдини олиш чора-тадбирларини кучайтириш тўғрисида"ги Фармони ноқонуний тамаки маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчиларни "тозалаш"да муҳим аҳамият касб этади.*

Мазкур ҳужжатда қатор масъул органлар томонидан тадбиркорлар фаолияти устидан қатъий назорат белгиланиши регламентланган. Фармонда кўрсатилган чоралар ва янгиликлар тамаки бозорини максимал равишда қонунийлаштириш, бизнес ҳамда аҳоли ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва алкоголь ҳамда тамаки маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасида самарали, замонавий назорат тизимини жорий этишга қаратилган.

Аввало, Ўзбекистонда ташкил қилинадиган Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳузуридаги Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш инспекцияси ушбу мақсадларга хизмат қилади. Инспекция вазифаларининг кўлами жуда кенг, бу — алкоголь ва тамаки товарларини ишлаб чиқарувчилар фаолиятини лицензиялаш, ушбу маҳсулотлар савдосига рухсат берувчи таомилларга риоя этилиши устидан назорат ҳамда маҳсулот ишлаб чиқарилиши ва айланмаси мониторинги бўйича замонавий ахборот тизимларини жорий қилиш ва ривожлантиришдир. Шунингдек, инспекция акциз маркаларининг янги намуналарини ишлаб чиқишда қатнашади ва тадбиркорлар билан тушунтириш ишларини ўтказади.

Ноқонуний тамаки маҳсулотлари Ўзбекистонга, асосан, четдан — Тожикистон, Афғонистон, Қирғизистон, Қозоғистондан келиши туфайли, Фармонда Ўзбекистон ҳудудига бу товарлар ноқонуний кириб келишига қарши курашиш ва транзит назоратига жиддий урғу берилган. Чунончи, 2024 йил 1 сентябрдан республика бўйлаб тамаки маҳсулотларининг транзитига янги талаблар қўйилади. Келиб чиқиш мамлакати, товарлар етказилишига оид шартнома ва қабул қилиб олаётган давлат акциз маркаси туширилган тамаки маҳсулотини республика ҳудуди орқали транзит олиб ўтишга рухсатнома тақдим этилиши мажбурий тус олади.

Юк ташувчилар зиммасига Ўзбекистон божхона органлари депозит ҳисобига божхона тўловларини киритиш мажбурияти юкланади, тамаки ва алкоголь маҳсулотларини ташувчи транспорт воситалари эса фақат инспекция — кўздан кечириш мажмуалари билан жиҳозланган чегара-божхона постлари орқали ўтади.

Президентнинг янги Фармонидаги ўта муҳим банд товарларнинг рақамли маркировкалар тизимини ривожлантириш бўлди — маҳсулотлар у билан мажбурий тарзда таъминланиши лозим. Рақамли маркировкалаш тизимини акциз маркалар тизими билан интеграциялаш вазифаси қўйилди, бу Солиқ қўмитаси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ва "Давлат белгиси" ДУКнинг биргаликдаги фаолиятини янада уйғун, жипс ва шаффофлаштиради ҳамда тамаки бозорини янада жиддий, юқорироқ даражада назорат қилиш имконини беради.

**«THE BEE'S KNEES» МЧЖ.**

**Мамлакатимизда уюштирилган Озарбайжон маданияти кунлари доирасида Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида «Озарбайжон маданияти» номли кўргазма ташкил этилди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 642. 14 174 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Т. Эшбоев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.19 Топширилди — 01.05 1 2 3 4 5 6